Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 28-may, payshanba, № 66 (3571)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27 май куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Олий даражадаги учрашувлар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг кенг кўламли масалалари, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни изчил ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Президентимиз Корея Республикаси ҳукумати ва парламенти, етакчи иқтисодий ва молия тузилмалари раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказади.

Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

СЕУЛ, 27 май. ЎзА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27 май куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига келди.

Жанубий Корея протоколига мувофиқ Ўзбекистон Президенти шарафига Сеул аэропортида икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Сеул кўчалари Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг давлат байроқлари, олий мартабали меҳмонни қутловчи шиор ва баннерлар билан безатилган.

Ушбу ташриф Ўзбекистон — Жанубий Кореянинг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари доирасида ўтмоқда. Улар давлатларимизнинг ўзаро алоқаларига доир кенг кўламли масалаларни муҳокама қилиш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ташрифининг асосий тадбирларини, жумладан, Корея Республикаси Президенти ва бошқа раҳбарлари билан расмий музокаралар, етакчи компаниялар раҳбарлари иштирокидаги учрашувларни 28-29 май кунлари ўтказиш мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, ташриф чоғида икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши ва ўзаро муносабатларни 2014 йилда имзоланган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

ЎзА

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

"Ўзэкспомарказ" павилонларида 27 май куни "Тўқимачилик саноати — Textile Expo Uzbekistan – 2015" халқаро кўргазмаси очилди.

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, Савдо-саноат палатаси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон моделерлар ва дизайнерлар уюшмаси кўмагида ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси ва ITE компаниялари гуруҳи томонидан ташкил этилди.

"Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси И.Ҳайдаров ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тўқимачилик ва енгил саноатда энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги қувватларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни техник ва технологик янгилаш, модернизация қилиш, ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тармоқни янада ривожлантириш ҳамда унинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда қулай сармоявий ва бизнес муҳитини яратиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўқимачилик ва енгил саноатни изчил тараққий эттиришга катта ҳисса қўшаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, шунингдек, 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастури бу борада муҳим омил бўлаётир. Ушбу дастурга мувофиқ тўқимачилик саноатида умумий қиймати 900 миллион АҚШ долларидан ортиқ 77 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур дастурнинг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз енгил саноатининг экспорт салоҳиятини янада юксалтиришга ҳисса қўшади.

Бугунги кунда Ўзбекистон тўқимачилик ва енгил саноатидаги ишлаб чиқариш корхоналари юқори даражада жиҳозланган кўп тармоқли йирик саноат комплексидан иборат. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибидаги саноат муассасалари ип-калава, мато, турфа хилдаги тикувчилик, тикувчилик-трикотаж маҳсулотлари, махсус кийимлар каби кенг турдаги юксак сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Бу каби енгил саноат маҳсулотлари билан нафақат ички бозор таъминланмоқда, балки улар Европа, Америка, Осиё ва Африка мамлакатларига етказиб берилаётир.

(Давоми 2-саҳифада).

- Янгиликлар
- Воқеалар
- Хабарлар

СИРДАРЁ

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва «Нуроний» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ташаббуси билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фронти фахрийларидан иборат 40 нафарга яқин отахонларнинг пойтахтимизга саёҳати уюштирилди.

ПОЙТАХТГА САЁҲАТ

— Кексаси қадрланган юрт файзи ўзгача бўлади, — дейди сардобалик отахон Холмўмин Шукуров. — Бизни шунчалар эъзозлаётган ҳукуматимиздан, муттасил равишда ҳолимиздан хабар олиб турган ташкилотлар, жумладан, касаба уюшмаларидан миннатдормиз.

Нуронийлар дастлаб Мустақиллик майдонида бўлишди.

«Шаҳидлар хотираси» мажмуаси, Занги ота зиёратгоҳи ва Анбар она муқаддас қадамжолари ҳам нуронийларда катта таассурот қолдирди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, "Ishonch" мухбири

НАВОИЙ

2015 йилда вилоятда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этишга қаратилган 690 та лойиҳа амалга оширилади.

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Мазкур лойиҳалар асосида бир қатор хўжаликларда балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, зотли моллар парвариши каби қатор янги тармоқлар ташкил этилади. Шунингдек, сут ва мева-сабзавотни қайта ишлаш ҳамда қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари фаолияти йўлга қўйилади.

Бу борада харажатлар 22 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этиб, бугунги кунда тегишли ҳамкор ташкилотлар томонидан дастлабки ишлар бошлаб юборилди. Йил якунигача барча лойиҳалар тўлиқ амалга ошириладиган бўлса, 3 мингга яқин иш ўрни яратилади.

Мансур ЗОИРОВ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Ишбилармон Алишер Ибрагимов банкрот бўлган Хўжайли сут-ёғ заводи негизида "Иброҳим Қудрати Ҳайбат" масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Ўтган йили ДТ «Халқ банки»дан 350 млн. сўм миқдорида кредит олиб, 290 млн. сўмга Хитой ва Украинадан замонавий русумдаги сутни қайта ишлаш дастгоҳлари олиб келди.

СИФАТЛИ, ХАРИДОРБОП

— Истеъмол бозорини ўрганиб, мукаммал бизнес режа асосида иш бошладик, — дейди у. — Сифатли, харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ниятидамиз. Етти нафар коллеж битирувчисини доимий иш билан таъминладик. Айни пайтда кунига 600 килограмм сут қайта ишланмоқда.

Ишга туширилганига икки ой бўлган корхона "Қўнғирот сода заводи" ва "Inter Korea Gloval" МЧЖлар билан шартномалар имзолади. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган қатиқ, қаймоқ, кефир, сметана, творог ва бошқа маҳсулотларнинг бир қисми шартнома асосида ҳарбий қисмларга етказиб берилаётир. Олинган кредитнинг 60 млн. сўмини шу ой банкка қайтариш мўлжалланган. Шунингдек, тадбиркор ва банк ўртасида хомашё учун яна 100 млн. сўмлик кредит шартномасини имзолаш режалаштирилган.

Айтганча, корхонада фаолият кўлами кенгайтирилиб, музқаймоқ ишлаб чиқариш кўзда тутилаяпти.

Ортиқбой МАМУТОВ, "Ishonch" мухбири

"УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2015"

БУ НИҲОЛЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Мамлакатимизда "Умид ниҳоллари — 2015" спорт ўйинларининг финал босқичи ёшлик ва спорт байрами сифатида катта шодиёналар билан ўтказилмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси. Нукус шаҳридаги амфитеатрда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган "Умид ниҳоллари — 2015" спорт мусобақаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бу спорт мусобақасида ўқувчилар 17 спорт тури бўйича ўзаро баҳслашди.

Қорақалпоғистон Республикасида 695 умумтаълим мактаби, 10 ихтисослаштирилган мактаб-интернат, 35 спорт мактаби, 1 футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернат фаолият кўрсатмоқда. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг саралаш босқичларида иштирок этган 97 мингдан зиёд ўқувчининг 40 минг 300 нафари қизлардир.

— Ғолиб бўлганимдан жуда бахтиёрман, — дейди Нукус шаҳридаги 8-умумтаълим мактаби ўқувчиси Шаҳзод Бойимбетов. — Дзюдо билан етти йилдан буён шуғулланаман. Қорақалпоғистон Республикаси биринчилигининг бир неча бор ғолиби бўлдим, Ўзбекистон чемпионатида совринли ўринларни эгалладим. 2013 йилда Бухоро вилоятида ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этдим. Келгусидаги ниятим, жаҳон ареналарида ғолиб бўлиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтаришдир.

— Президентимиз раҳнамолигида фарзандларимиз камолоти йўлида яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг соғлом, бақувват бўлиб ўсишлари учун кўрсатилаётган ғамхўрликлардан чексиз миннатдормиз, — дейди Элликқалъа туманидан Сапаргул Мухамбетова. — Чекка қишлоқ ва овулларда ҳам замонавий болалар спорти иншоотлари барпо этилаётгани ёш авлод камолоти учун хизмат қилмоқда. Қизим Гавҳар "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг енгил атлетика тури бўйича ғолиб бўлгани ҳам ана шундай имкониятлар самарасидир.

(Давоми 4-саҳифада).

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи, «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди ҳамкорлигида «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» газеталарининг ўзбек халқини эрк ва ҳуррият, миллий бирлик ва тараққиёт ғоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда таниқли олимлар, жамоат арбоблари ҳамда талаба-ёшлар қатнашди.

ЯҚИН ЎТМИШ САДОСИ

Тадбир аввалида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуидаги рамзий сағана олдида қатағон қурбонлари хотираси ёд этилди. Сўнг музей биносида мавзу доирасида маърузалар қилинди. Уларда миллий уйғониш даврини сиёсий, ижтимоий, адабий ва фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиш, тарихий жиҳатдан тўғри хулосалар чиқариш хусусида сўз борди. Ушбу нашрлар саҳифаларида эълон қилинган мактаб ва маориф, тарих, маданий турмуш ва урф-одатлар, ватанпарварлик ва миллий ғурур сингари масалаларга бағишланган мақолалар, адабий ижод намуналарининг илмий, ижтимоий ҳамда бадиий қиммати ҳамда бугунги ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти борасида батафсил тўхталиб ўтилди.

Анжуманда газеталарни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган маърифатпарвар Обиджон Маҳмудов ва биринчи ўзбек ҳуқуқшуноси Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевнинг яқинлари иштирок этиб, улар ҳақидаги эсдалик ва хотиралар билан ўртоқлашишди.

«Қўқон садоси» газетаси ходими, «Шуҳрат» медали соҳиби Қурбоной Султоновага музей касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғаси топширилди.

Гўзал НОРЧАЕВА, "Ishonch" мухбири

2015-yil 28-may, payshanba, № 66 (3571), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КАСАБА УЮШМАЛАРИДА ҳисобот-сайловлар йили

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд туман кенгашининг ўтган беш йиллик фаолияти муҳокама этилди.

ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

Ўтган даврда бошланғичлар фаолиятини намунали ташкил этиш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишига имкон яратилди. Амалда бўлган тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари орқали тизимда меҳнат қилаётган 4947 нафар ходим манфаати ҳимояланиб, имтиёзларга қўшимчалар киритилди.

— Ҳисобот даврида 689 та ариза рўйхатга олиниб, уларнинг барчаси ижобий ҳал этилди, — дейди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Ботир Холиёров. — Ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, меҳнат қонунларини ўрганиш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этдик.

Ишловчиларнинг меҳнат шароити ва муҳофазасини яхшилаш диққат марказида. Бу муҳим масалада бошланғичлар кўмагига таянилганлиги боис, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўнгилсизликлар олди олинмоқда. Ҳар бир қуйи ташкилотда меҳнат муҳофазасини таъминлашга доир режа ишлаб чиқилиб, амалда ижроси таъминланади. Тармоқ кенгаши шу чоққача 26 та бошланғич ташкилотни меҳнат муҳофазаси бўйича зарур жиҳозлар, стендлар билан таъминлади.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, 2010 – 2014 йиллар мобайнида 97 ходим мамлакатимиздаги турли сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлади. Эътиборли жиҳати, аъзоларни дам олдириш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ўтган уч йилда 150 киши мамлакатимизнинг обод гўшаларига саёҳатга олиб борилган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида 300 нафар ходим ички туризм йўналишидаги саёҳатларда бўлиб қайтди.

Барча аъзо ташкилотларда спорт ишларини ривожлантириш, мусобақалар ташкил этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётир. "Отам-онам ва мен — спортчи", "Саломатлик спартакиадалари", анъанага айланган веломарафонларда ходимлар фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, режали тарзда амалга ошириб келинаётган "Маънавият соатлари" меҳнаткашларнинг маънавий-интеллектуал дунёси бойишига хизмат қилмоқда.

Конференцияда ташкилот ва тафтиш комиссияси раислари ҳисоботига атрофлича баҳо берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
"Ishonch" мухбири

АСОСИЙ ВАЗИФА — ҒАМХЎРЛИК

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида кенгаш раиси Шерзод Йўлдошев маъруза қилди.

Маърузада касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотлар ролини оширишга эътибор қаратилгани таъкидланди.

Педагог-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳисобот даврида ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан 217 нафар аъзонинг санаторийларда соғлиги тикланди. Бундан ташқари, касаба уюшма бюджети маблағининг 10 фоизи ҳисобидан 274 дона йўлланма олиб берилди.

Шаҳар кенгаши тасарруфида бўлган 145 та бошланғич ташкилотда "Маънавият соатлари" изчил ўтказиб келинаётир. Таълим муассасаларининг кутубхоналари янги адабиётлар, газета-журналлар билан бойитилди.

Фаолият юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботи эшитилгач, музокараларга навбат берилди. Шундан сўнг тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгашининг 29 кишидан иборат янги аъзолари сайланди.

Шерзод Йўлдошев кенгаш раислигига қайта сайланди.

Акмал АБДИЕВ,
"Ishonch" мухбири

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Пешку туман кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида туман кенгаши раиси Умида Сафарова ҳамда тафтиш комиссияси раиси Ҳамид Амонов ҳисобот берди.

Музокараларда сўзга чиққан туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Бафоев, тадбиркор Муҳсин Пўлатов, "Отақул Раҳмат Раъно" масъулияти чекланган жамияти бошлиғи Баҳодир Раҳматов ҳисобот давридаги нуқсон ва камчиликлар ҳақида сўз юритиб, келгусида ишларни такомиллаштириш борасида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Шунингдек, касаба уюшма туман кенгаши таркиби, тафтиш комиссияси аъзолари ва вилоят ташкилоти конференциясига делегатларни сайлаш масалалари кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ж.НУРУЛЛАЕВ,
Тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

БИЛИМ ВА ҲУНАР МАСКАНИ

Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-ҳунар коллежида 1435 нафар ўқувчига ўн учта йўналиш бўйича билим берилади. Республикамизда ўтадиган фан олимпиадалари, турли танлов, спорт мусобақаларида ҳавас қиларли натижаларга эришилмоқда. Коллеж ўқувчилари "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг енгил атлетика бўйича баҳсларида кумуш медални қўлга киритишди. 2 нафар ўқувчи Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида таэквондо бўйича 1-ўринга сазовор бўлди. Севара Абдуҳакимова маданият йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ топилди.

Бундан ташқари, "Энг иқтидорли ёш истеъмолчи", "Ораста қизлар", "Менинг бизнес ғоям" кўрик-танловларида коллеж ўқувчилари фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. "Менинг бизнес ғоям" танлови ғолиби бўлган икки нафар ўқувчи айни пайтда қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех очиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

Жамоада 149 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади, шундан 65 нафари педагоглар. Маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида 2014-2015 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасида ходимлар меҳнатига доир имтиёзларнинг барчаси қамраб олинган. Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида жамоа шартномасининг ижроси ва касаба уюшмасининг беш йиллик фаолияти ходимлар томонидан ижобий баҳоланди.

— Жамоамиз аҳил, ҳар бир ташаббусни ҳамжиҳатликда амалга оширамиз, — дейди коллеж директори Фарҳод Исмоилов. — Педагогларга ўқув юкламаси тақсимоти, ички меҳнат тартиб-қоидалари ишлаб чиқиш, ходимларнинг меҳнат муносабатларига доир мурожаатларини ҳал этишда касаба уюшма қўмитаси кўмаги, айниқса, самарали бўлаётир.

Шу ўринда кейинги йилларда ижтимоий шериклик доирасида фаолиятни ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз.

— Коллежда электро-энергетика фанидан ёшларга сабоқ бераман, — дейди касабақўм раиси Абдураззоқ Ҳакимов. — 6 йилдирки, касаба уюшмаси етакчиси вазифасини ҳам бажараяпман. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан сўнгги йилларда бошланғич касаба уюшма ташкилотларига катта эътибор берилмоқда. Биз ҳам масъулиятни ҳис қилган ҳолда коллеж маъмурияти билан тузилган жамоа шартномаси орқали аъзоларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари, касбга оид муносабатларни тартибга солиб келмоқдамиз. Касаба уюшмаси қўмитасига келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар Меҳнат кодекси асосида кўриб чиқилади. Тушган аризаларга мувофиқ ходимларга санаторийга йўлланмалар ва моддий кўмак берилмоқда. Ўқув йили давомида педагог ва ходимларнинг тарихий шаҳарлар ва қадимий обидалар билан яқиндан таништириш мақсадида саёҳатлар ташкил этилди.

Бу каби хайрли ташаббуслар коллеж маъмурияти ва касаба уюшма ташкилотининг кундалик юмушига айланганлиги учун ҳам ЎзКУФК томонидан ўтказилган "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловида бир неча марта ғолиблик насиб этди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Касаба уюшма қўмитаси, маъмурият ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан коллеж қошида «Ижод — имкониятлар макони» тикув цехи очилган. Унда коллеж ўқувчилари ҳам дарсдан бўш пайтида тикувчилик сирларини ўрганишмоқда.

— Тикув цехини 5 йил аввал "Микрокредитбанк"нинг туман бўлимидан олинган кредит эвазига очгандик, — дейди хотин-қизлар қўмитаси раиси Нодира Шоисматова. — Цехда асосан, ўқитувчи ва ўқувчилар, шунингдек, турли касб эгаларининг махсус кийимлари тикилмоқда. Айни пайтда ўқитувчи Сурайё Хўжабоева раҳбарлигида 15 нафар қиз харидорбоп маҳсулотлар тайёрлаш мақсадида изланишлар олиб бораяпти.

Айтиш жоизки, коллежда турли корхоналар билан уч томонлама шартнома тузиш ва унинг ижросини доимий назорат қилишга жиддий эътибор қаратилаётир. Бунга Ангрен иссиқлик электр станцияси, "Ўзбеккўмир" ОАЖ, Ангрен туман электр тармоқлари корхонаси билан тузилган шартномаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шартнома юзасидан мониторинг ўтказилиб, коллеж битирувчиларининг 98 фоизини иш билан таъминлашга эришилди. Шу каби маълумотлар билан танишаётганимизда икки нафар ўқувчи касабақўм хонасига хушхабар билан кириб келди.

— Танловда "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари бўйича билимимизни синовдан ўтказдик, — дея ўзини таништирди коллеж-нинг 2-босқич талабаси Нафосат Сайдалиева. — Энди пойтахтга бориб, тенгдош қизлар билан беллашамиз.

Кўзларида қувонч порлаган бу қизларнинг хурсандчилиги бизга ҳам кўчди. Зеро, ғайрати жўш урган ёшлар, уларга йўлдош фидойи устозлар бор жойда ютуқлар ўзини кутдириб қўймайди.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ: ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Анъанавий ўтказиб келинаётган "Тўқимачилик саноати — Textile Expo Uzbekistan" халқаро кўргазмаси мамлакатимиз тўқимачилик ва енгил саноати салоҳияти ва ютуқларини кенг намойиш этиш, тармоқни янада тараққий эттириш бўйича халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, хориж инвестицияси-ни жалб этиш орқали истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай замин яратмоқда.

Бу галги форумда Ўзбекистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Индонезия, Беларус, Польша, Туркия, Латвия, Литва каби қатор давлатлардан етмишдан ортиқ компаниялар ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этаётир. Жаҳон тўқимачилик саноати мутахассислари ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётган ушбу кўргазма соҳанинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва истеъмолчиларини бир майдонга тўплаб, уларнинг енгил саноат ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтиришга, соҳада ўзаро ахборот ва тажриба алмашишга хизмат қилмоқда.

— Қарийб ўттиз йиллик тажрибага эга компаниямиз тўқимачилик ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди "Quanzhou Hengyi Machine" компанияси директори Сао Жиинг (Хитой). — Биз Ўзбекистон корхоналари билан бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келамиз. Мазкур кўргазмада тўқимачилик саноатида қўллаш қулай бўлган илғор технологияни намойиш этяпмиз. Ўзбекистонда бошқа соҳалар қатори енгил саноатнинг жадал ривожланиб бораётгани мамлакатингизнинг истиқболли бозорида ўз ўрнимизни янада кенгайтиришга қизиқишимизни оширмоқда.

Жаҳон бозорида талаб тобора ортиб бораётган Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотлари юксак сифати ва рақобатбардошлиги, халқаро андозаларга тўла мослиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Халқаро кўргазмада фаол иштирок этаётган мамлакатимиз корхоналари бу борадаги улкан салоҳиятни намойиш этган ҳолда турфа хилдаги экспозицияларни — ранг-баранг газламалар, ип-калава, трикотаж полотноси, катталар ва болалар кийимлари, пахмоқ ва жинси маҳсулотлар, тайёр тикувчилик-трикотаж буюмларини таклиф этмоқда. Кўргазмада қатнашаётган истиқболли корхоналар сафида "Alkim Textile", "Uztex", "Azalea Garment", "Cotton Fashion", "Feteks Textile Chemicals", "Nortex Style", "Osborn Textile", "Sedat Triko Tashkent", "Urganch Bahmal" каби саноат муассасалари бор. Улар томонидан намойиш этилаётган маҳсулотлар барчанинг эътиборини тортмоқда.

— Компаниямиз ўз таркибида ўттиз корхонани жамлаган, — дейди Самарқанддаги "Sharq Sanoat" концерни раиси ўринбосари Аҳмад Эргашев. — Мазкур кўргазмада тўқимачилик саноатига ихтисослашган учта корхонамиз ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Корхоналаримиз энг замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган ва барча халқаро стандартларга жавоб беради. Трикотаж маҳсулотларимизнинг аксарияти экспорт қилинади. 2014 йилда жинси матолардан турфа кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Уларга талаб ғоят юқори. Кўргазмада янги ҳамкорлар топиб, истиқболли шартномалар тузиш ниятидамиз.

Кўргазмада иштирок этаётган Беларус компаниялари жун ва техник матолар, ип-газламалар, кийим-кечаклар, кимёвий толалар, полиэстр ва техник иплар каби маҳсулотларни тақдим этмоқда.

— Компаниямиз жун газлама ишлаб чиқариш билан шуғулланади, — дейди "Kamvol" компанияси бош директори Сергей Горовой (Беларус). — Маҳсулотларимиздан мактаб формалари ва костюмлар тикиш қулай. Ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қилиб келамиз. Ана шундай самарали ва муваффақиятли ҳамкорлик учун кенг йўл очиб берган, катта имтиёзлар ва имкониятлар яратиб берган Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирамиз. Мамлакатингиз компаниялари билан ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашдан манфаатдормиз.

Ушбу халқаро кўргазма мамлакатимиз ва жаҳон тўқимачилик саноатида қўлга киритилаётган улкан ютуқларни намойиш этиши билан аҳамиятлидир. Бу енгил саноатни янада равнақ топтириш ва бу бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш баробарида соҳага оид талаб ва таклифларни ўрганиш, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этиш, чет эллик шериклар билан ҳамкорликда истиқболли қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розуқулов сўзга чиқди.

Ирода УМАРОВА,
ЎзА мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

НОДАВЛАТ СЕКТОР

Хоразм вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасида хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш, ушбу секторда касаба уюшмасининг роли ва аҳамияти масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ХУСУСИЙ ШИФОХОНАЛАР РИВОЖИ

Мавзу юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги лицензиялаш бўлими бошлиғи Фарҳод Раҳимқулов, Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Озод Адилов, ВССБ лицензиялаш бўлими бош мутахассиси Давлатназар Давлетов ва бошқалар сўзга чиқди.

Таъкидландики, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тобора ривожланиб бормоқда. Бунда нодавлат тиббиёт муассасаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Давр эса, хусусий тиббиёт муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо қилаётир.

Йиғилишда тиббий фаолиятни лицензиялаш ва назорат қилишга доир қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2014 йилда нодавлат тиббиёт муассасалар фаолиятида ўтказилган текшириш ва унинг натижалари, "Кексаларни эъзозлайлик" соғломлаштириш акциясини ташкил этиш, "Йилнинг энг яхши хусусий тиббиёт муассасаси" танловини ўтказиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ва "Ягона тиббиёт каталоги" обунаси каби масалалар ҳам муҳокама этилди.

Тиббиёт соҳасида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатиб келаётган хусусий тиббиёт муассасаси раҳбарлари Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
"Ishonch" мухбири

МУТАХАССИС МИНБАРИ

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ КУНЛАРИ САМАРАСИ

Ходимларга соғлом, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, корхона, ташкилот ва муассасаларда бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида бирлашма кенгашининг раёсат йиғилишида "Меҳнатни муҳофаза қилиш кунлари" ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарор асосида белгиланган тавсияларга кўра, меҳнат жамоаларида ушбу тадбир доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, ижтимоий шерикликнинг меҳнат муҳофазаси соҳасидаги йўналишларидан бири бўлган бундай тадбирлар давомида соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар таҳлил этилиб, бу борада қилиниши лозим бўлган режалар белгилаб олинмоқда. Меҳнат муҳофазасини бошқаришда ҳокимликлар, иш берувчилар ҳамда касаба уюшма ташкилотларининг ҳамкорлигини янада яхшилашга эришаяпмиз. Бунинг натижасида жароҳатлар, касб касалликлари, ҳалокатлар ёхуд ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Жойларда ўтказилаётган меҳнатни муҳофаза қилиш кунларида бу соҳада қонунчиликка риоя қилиниши, жамоат назоратини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиясининг фаолияти, ходимларнинг дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказилиши, зарарли меҳнат шароитларида ишлаётганлар учун имтиёз ва компенсацияларнинг тўғри қўлланилиши каби қатор масалалар кўриб чиқилаётир.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча муассасаларда ўтказилаётган Меҳнатни муҳофаза қилиш кунлари ходимлар саломатлигини сақлаш, турли жароҳатлар олишига йўл қўймаслик, бир сўз билан айтганда, уларнинг манфаатини тўлақонли ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Раҳимжон СОДИҚОВ,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

2015-yil 28-may, payshanba, № 66 (3571), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭЪТИРОФ

Юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда кимё саноати тизимида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг ҳам муносиб улуши бор. Айтиш жоизки, кимё саноати юқори экспорт салоҳиятига эга бўлиб, республика иқтисодиётининг асосий тармоқларидан бири ҳисобланади.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ СОҲА

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида кимё саноатини изчил ривожлантириш, унинг қувватлари ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тармоқ корхоналарида минерал ўғитлар, сунъий тола, полимер материаллар, энергетика, кимё, тоғ-кон саноати учун зарур бўлган кимёвий реагентлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, дефолиантлар, пахта экишда қўлланиладиган плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Бунда жаҳон бозорида минерал ўғитларга бўлган талабни инобатга олган ҳолда, мамлакатимиздаги мавжуд хомашё ресурсларига жиддий аҳамият берилаяпти.

Бугунги кунда «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарида 170 турдан ортиқ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Таъкидлаш керакки, тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кимё маҳсулотларига бўлган ички ва ташқи талабнинг кўпайиши Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. "Навоийазот", "Максам Чирчиқ", "Фарғонаазот", "Аммофос-Максам" АЖлари ҳамда "Қўнғирот сода заводи", "Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи" УКлари томонидан бир неча ўнлаб турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб Хитой, Россия, Эрон, Туркия, Япония, Қозоғистон, Туркманистон ва бошқа хорижий мамлакатларга ҳам экспорт қилинаётганлиги қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

Келгусида ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш мақсадида йирик инновацион лойиҳалар асосида корхоналар таркибида замонавий ишлаб чиқариш мажмуаларини барпо этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилаётир.

Бир сўз билан айтганда, кимё саноати корхоналарида ҳозирги кунда ўз касбининг ҳақиқий усталари бўлмиш юқори малакали мутахассислар, заковатли ва ижодий иқтидорга эга, фидойи инсонлар меҳнат қилишмоқда.

Мамлакатимиз тараққиёти ва ривожи, юксалиш жараёнлари, қўлга киритилаётган улкан ютуқларда мазкур нуфузли ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрни, кўп минг сонли ва кўп миллатли меҳнат жамоасининг фидокорона меҳнати борлиги ҳар биримизга мамнуният бахш этади.

Тармоқ тизимидаги корхоналарда ишлаб келаётган фидойи инсонлар меҳнати давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ҳар йили май ойининг охирги ҳафтасида "Кимёгарлар куни" кенг нишонланади. Бу йил ҳам ишчи-ходимлар касб байрамини кимё саноатининг ривожланишида муносиб ҳисса қўшган ҳолда улкан ютуқ ва марралар билан кутиб олишмоқда.

Айни кунларда байрам муносабати билан турли йўналишлар бўйича кўрик-танловлар ва спорт мусобақалари, маънавий-маърифий кечалар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирлар касаба уюшмалари ва иш берувчилар ҳамкорлигида ташкил этилаяпти. Тизимдаги барча бошланғич ташкилотларда пенсия ёшидаги, корхонада ишлаб пенсияга чиққан ходимлар, кам таъминланган, кўп болали оилалар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинмоқда.

Мавжуда ХАЛИЛОВА,
Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Мамлакатимиздаги кимё корхоналарида меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида қилаётган эзгу ишларингизда куч-гайрат ва муваффақиятлар ёр бўлсин!

Барчангизга оилавий хотиржамлик ва мустаҳкам соғлик тилаймиз.

Кўнглингизни Ватанга чексиз муҳаббат ва масъулият ҳисси тарк этмасин.





Реклама ва эълонлар

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ 2015 йил 29 июн куни бўлиб ўтадиган оммавий оферта савдосига таклиф этади.

Савдога, «O`zbekiston Respublikasi oziq-ovqat sanoati korxonalari uyushmasi»нинг 2015 йил 20 майдаги АС/17-1145-сонли буюртманомасига асосан «RAVSHAN» МЧЖ уставидаги 13,58% улуши қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 339 758 126,68 сўм.

Оммавий оферта шартлари:

Оммавий оферта савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилининг қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- икки нусхадаги ёпиқ конвертларга солинган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:
- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Оммавий оферта эълон қилинган мулкка биринчи бўлиб буюртманома топширган (буюртманомаси рўйхатга олинган кун эътиборга олинади), эълонда кўрсатилган шартларга мос бўлган таклифни киритган талабгор билан 10 кун муддат ичида олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир расмий иш кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади.

Оммавий оферта савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан, савдога қўйилаётган объект бошланғич нархларининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пули «TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг «Ипотека-банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302128906, 20208000604941652001 ҳисоб-рақамига тўланиши лозим.

Оммавий оферта савдоларига тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш, белгиланган савдо куни соат 11:00да бошланади ва қуйидаги кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.Тел.: 144-66-55. Гувоҳнома №005424.

Хизматлар лицензияланган.

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

ИБРАТЛИ УМР

(Лавҳа)

Қордек оппоқ соқоли кўксини тўлдирган бу отахонни Бахмалда кўпчилик яхши танийди, ҳурмат қилади. Табиатан босиқ, вазмин, ҳар бир сўзини ўйлаб, салмоқлаб гапирадиган нуронийнинг тўй-маъракаларда давра тўрида қўр тўкиб ўтиришининг ўзи бир ярашиқли.

Тўқсон учинчи баҳорини қаршилаётган Бозорбой ота Қўшанов ҳамқишлоқлари учун ҳамон "ўқчи-мерган". Ота тетик, бардам-бақувват. Турмуш ўртоғи Муслимой она билан икки ўғил, етти қизни тарбиялаб, элга қўшди. Бугун юздан ортиқ невара-чеваралар ардоғида ўзини бахтиёр сезиб юрадиган отахоннинг чиндан-да бағри бутун.

Хотира ва қадрлаш куни арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ғамхўрлик ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш мақсадида касаба уюшма фаоллари Бозорбой отанинг хонадонида ҳам бўлиб уч юз минг сўм пул мукофотини топширишди. Кўрсатилган эътибордан отанинг боши кўкка етиб, самимий миннатдорчилигини билдирди.

— Болам, эртага мулла Абулқосимникида набира тўйи борлиги ёдингдан чиқмадими? — сўрайди Бозорбой ота набирасидан.

— Бобожон, бугун кечда қишлоқдошларга зиёфат беришаётир, — дея эслатади Асқаржон. — Сизни алоҳида таклиф этишган. Ахир сиз мулла ота билан нафақат ҳамқишлоқ дўст, балки қуролдош қадрдонсиз-ку.

Набиранинг бу сўзлари Бозорбой отанинг хаёлини узоқ-узоқларга олиб кетади.

...Иккинчи жаҳон урушининг қора кўланкаси олис ва чекка қишлоқларни ҳам четлаб ўтмади. Ўнлаб йигитлар бирин-кетин ҳарбийга жўнашди. Бозорбой ҳам кўнгиллилар сафида 1942 йилда фронтга отланиб, жангларда мардонавор қатнашди. 1947 йилнинг майида қадрдон қишлоғи Абайга соғ-омон қайтди. Бирин-кетин жангчи дўстлари Абулқосим Мадатов, Ҳосилмурод Маликовлар ҳам келишди. Уруш-уруш эканда, таассуфки, ўндан зиёд ҳамқишлоқ йигитлар қайтмади.

Бозорбой хўжаликда табелчилик қила бошлади. Ўқиш истаги уни Самарқанддаги бухгалтерлар тайёрлаш олти ойлик курсига етаклади. Қатор хўжаликларда бош ҳисобчилик вазифасини бажарди.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари охирида Бозорбойни "Бахмал" тажриба давлат хўжалигига бош ҳисобчи вазифасига таклиф этишганида дастлаб "эплай олармиканман" дея иккиланган ёдида. Ўз соҳасининг билимдони, тажрибали раҳбар сифатида республикада донғи кетган Абдуҳаким Қораевдек инсон "елкамаелка туриб ишлайлик" деса-ю... Рад этолмади. Таклифга рози бўлди.

Хўжалик асосан гўшт, лалми ғалла етиштиришга ихтисослашганди. Тоғолди ҳудуд эмасми, қиш жуда қаттиқ кечарди. Чорва молларига жой, чўпонларга эса бошпана етишмас, шу боис молларга катта талафот етарди. Ўз вақтида кўрилган зарур чора-тадбирлар туфайли хўжалик келгуси йили ўзини анча ўнглаб олди. Иқтисодиётда силжиш кўзга ташланди. Одамлар манфаатдорлиги ортиб, меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди.

1968 йили хўжаликка АҚШнинг Техас штатидан саксон бош "Санта-Гертруда" зотли қорамол келтирилди. Аввало, иқлим шароитининг мослиги, қолаверса, жамоанинг самарали ва фидокорона меҳнати туфайли "меҳмон" жониворлар ўзини эркин тутиб, тез ривожланди ва кўпая бошлади. Бир бош ҳўкиз ҳатто 1500 килограммгача тош босди.

Кейинчалик Бозорбой жонкуяр етакчилар Абдувоҳид Усанов, Маматқул Қўнишев, Ҳамза Аширқулов, Маматқул Қаршибоев сингари фидойи инсонлар билан бир сафда меҳнат қилди.

Етмишинчи баҳорнинг эшигини тақиллатишга шайланаётган Бозорбой отани сафдошлари ҳамон "қўлдан чиқаргиси" келмасди. "Сизлар билан бирга ўттиз йилга яқин ишладим, энди менга рухсат этинг, дам олай", деса, улар ҳазиллашиб, "Яна шунча йил ишлаб берасиз", дейишди.

Хуллас, оила аъзоларининг қистовида "бир амаллаб" пенсияга чиқиб олган Бозорбой ота барибир уйида қўл қовуштириб ўтира олмади. Кетмонни елкага ташлаб, қишлоқ чеккасида қаровсиз ётган икки гектарча ерни ўзлаштиришга киришди. Боғ яратди. Олма боғи. Ҳар йили тонналаб ҳосил олади. Сархил меваларни, аввало, камхарж оилаларга улашса, яна бир қисмини жойлардаги «Мурувват» уйларига илинади...

Отанинг тизгинсиз хаёлини набирасининг мулойим хиргойиси бўлди. Бола она-Ватан, Истиқлол ва тинчликни тараннум этарди. Бозорбой ота бу ҳолатдан завқланиб, беихтиёр дуога қўл очаркан, Яратгандан элюртимизга омонлик, тинчлик-хотиржамлик, осмонимиз мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлишини тилади.

Абдуманнап АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши капитал қурилиш бошқармаси қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

"Жиззах вилояти Янгиобод тумани "Ҳавотоғ" КФЙ "Чанговул" қишлоғи ҳудудидаги 50 ўринли "Ҳавотоғ" санаторийси қурилиши (2-этап)"

Буюртмачи: **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси капитал қурилиш бошқармаси.**

Объектнинг бошланғич қиймати: **ҚҚС сиз 2 704 275,045 минг. сўм, ҚҚС билан 3 245 130,054 минг. сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати: **6 ой.**

Ишларни молиялаштириш: **Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ўз маблағлари ҳисобидан** амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Тошкент шаҳри, Мўйноқ 4 тор кўчаси, 15-«а»уй.

Телефон: (0371) 298-68-86, 298-66-04, факс 298-66-23.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектларига устунлик берилади.

Ушбу объектда ишларини бажариш бўйича танлов савдосида қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишлари тавсия этилади.

Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх **преференциялари** кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга** мурожаат этиш мумкин.

Жиззах ш, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 150 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш., Ш.Рашидов шоҳ к-си, 14-уй (вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси), мажлислар зали.

Хизматлар лицензияланган.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

Жиззах стандартлаштириш ва метрология бошқармаси қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

"Жиззах шаҳридаги Жиззах стандартлаштириш ва метрология бошқармасининг маъмурий биносини капитал таъмирлаш"

Объектнинг бошланғич қиймати: **ҚҚС сиз 192 381,907 минг сўм, ҚҚС билан 230 858,288 минг сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати: **2015 йил 1 декабргача**

Молиялаштириш **буюртмачининг маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри, М.Ҳусаинов кўчаси, 20-«А»уй.

Телефон: (0372) 226-37-44. Факс: 226-09-22.

Диққат! Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан бошланғич қиймати 500 млн. сўмгача объектлар бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Ушбу объектда ишларни бажариш бўйича танлов савдосида қурилиш-пудрат ташкилотлари Реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишлари тавсия этилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20 % миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларни нг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин.

Жиззах ш, Ш. Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах ш, Ш. Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.

Хизматлар лицензияланган.

ТУЗАТИШ

«Golden Build Trading» МЧЖ томонидан «Ishonch» газетасининг 2015 йил 19 майдаги 62 (3567)-сонида чоп этилган эълонидаги банк реквезитлари қуйидагича ўқилсин: АТБ «Турон банк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704953182001, МФО: 00111, СТИР: 302118823. ХХТУТ: 83200.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Нукус давлат педагогика институти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Назорат-тафтиш комиссияси аъзоси **Комекбой САТУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши Нукус давлат педагогика институти бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси **Комекбой САТУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Нуробод туман кенгаши раиси Эркин Абдусаломовга ўғли **Хусан АБДУСАЛОМОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

2015-yil 28-may, payshanba, № 66 (3571), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

БУ НИҲОЛЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида биринчи ўринни эгаллаган Нукус шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди.

Иккинчи ўринга Хўжайли тумани ёш спортчилари жамоаси муносиб кўрилди, Қораўзак тумани вакиллари учинчи ўринни қўлга киритди.

"Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида ғолиб бўлган ёш спортчилар олтин медал, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тантанали тадбир санъат усталари ва эстрада юлдузларининг концерт дастури билан якунланди.

***

Жиззах вилояти. Президентимиз ташаббуси билан мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли мусобақалар тизимида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг алоҳида ўрни борлигини вилоят марказидаги "Сангзоркўл" дам олиш масканида бўлиб ўтган ёшлик ва спорт байрами тантаналари яна бир бор намойиш этди.

Ёшларни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш, Ватанимиз шарафини халқаро миқёсда муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тарбиялашда муҳим босқич бўлган "Умид ниҳоллари" мусобақасининг финал босқичи ёшлик ва шижоат байрамига айланди.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самарасида Жиззах вилоятида кўплаб спорт иншоотлари, сув ҳавзалари ва стадионлар барпо этилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён вилоятда 150 га яқин спорт иншооти қурилди ва реконструкция қилинди. 67 умумтаълим мактабида спорт заллари бунёд этилди. 2 ёпиқ ва 2 очиқ сузиш ҳавзаси капитал таъмирланди. Бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Вилоятда фаолият юритаётган 2 минг 605 спорт секциясида 64 мингга яқин ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. 26 болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тўғарак ва секцияларида шуғулланувчи болалар сони ҳам йил сайин кўпаймоқда.

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Жиззах шаҳридан Дилшода Йўлдошева. — Ана шу ғамхўрлик самарасини бугун ҳар бир ота-она ўз фарзанди камолида кўриб турибди. Ўғлим Арслон иштирок этган терма жамоа "Умид ниҳоллари — 2015" мусобақасида ғолиб бўлди. Уларнинг эришган ютуғидан беҳад севиндим.

— Президентимиз раҳнамолигида биз, ёшларнинг баркамол вояга етишимиз учун кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан Ватанимиз шон-шуҳратини оширишга ҳаракат қилаётирмиз, — дейди енгил атлетика бўйича Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Ёқутхон Холбекова. — Мен ҳам шу эътибордан бахраманд бўлиб, ўзимнинг спортдаги илк ютуқларимни "Умид ниҳоллари" мусобақаларида бошлаганман. Бугун биз, ёшларга яратилган замонавий шароитлар ўз самарасини бераётир. Шу боис бизнинг спорт ютуқларимиз йил сайин юксалиб бораверади.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг финал босқичида Жиззах шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Ғаллаорол тумани жамоаси, учинчи ўринни Жиззах тумани ёш спортчилари қўлга киритди.

Жиззах вилояти ҳокими С.Исмоилов Жиззах шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди.

Таниқли спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари, болалар ижодий жамоалари, санъат усталари ҳамда эстрада хонандалари иштирокидаги концерт дастури тадбирга ўзгача шукуҳ, файз бағишлади.

***

Навоий вилояти. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг Навоий вилояти финал босқичи кўтаринки руҳда ташкил этилди. Ёшлик ва спорт байрами шаҳар ва туманлардаги умумтаълим мактабларидан беш мингдан зиёд ўқувчини жамлади.

— Ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида спортни янада оммалаштириш, уларни ўзлари қизиққан машғулотларга йўналтириш, жисмоний чиниқтиришда "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаси муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти Навоий вилояти кенгаши раиси ўринбосари Шаҳло Нарзиева. — Вилоятимиздаги замонавий спорт иншоотларида ёшлар учун барча шароит яратилган. Нафақат вилоят маркази ва шаҳарларда, балки олис қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам ёшлар ўзлари қизиққан спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

Мусобақанинг саралаш босқичларида ўғил-қизлар спортнинг 17 тури бўйича ўзаро баҳслашди.

— Президентимизнинг болалар спортига қаратаётган алоҳида эътибори туфайли биз, ёшларга кенг имкониятлар яратилмоқда, — дейди Конимех туманидаги 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Нуржан Сериков. — Спортга меҳр қўйиб, улкан муваффақиятларга эришдим. Хусусан, 2014 йилда бокс бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сафига қабул қилиндим. Эндиликда халқаро мусобақаларда Ватанимиз байроғини баланд кўтаришга астойдил ҳаракат қиламан.

2003-2014 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вилоятда 82 спорт иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу объектларнинг аксарияти умумтаълим мактаблари қошида барпо этилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган бундай имконият уларнинг ҳар томонлама соғлом улғайишига хизмат қилаётир. Замонавий спорт масканларининг 120 турдаги спорт анжомлари билан жиҳозлангани ёшларимиз учун юксак ғамхўрлик намунасидир. Бундай мажмуаларнинг 71 таси қишлоқларда қад ростлагани истеъдодли ёшларни кашф этишда муҳим омил бўлаётир. Тўғарак ва спорт мактабларида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида спорт билан шуғулланаётганлар сони 55 мингдан ошди.

2012 йилда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасидаги "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг республика финал баҳсларига мезбонлик қилган Навоий шаҳри чинакам "Олимпиада шаҳарчаси"га айланди. Ушбу мусобақалар муносабати билан бу ерда муҳташам Ёшлар спорт мажмуаси, ўн минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион қад ростлади. Мажмуа ичида 42х30 ўлчамли спорт ва бадиий гимнастика заллари барпо этилди. Замонавий сузиш ҳавзаси, кураш заллари ёшларнинг соғлом ва тетик бўлиб улғайишига хизмат қилаётир.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг финал босқичида Навоий шаҳри жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларни Хатирчи тумани ва Зарафшон шаҳри жамоалари қўлга киритди.

Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов ғолиб жамоага Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди. "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида яхши натижаларга эришган барча ёшлар муносиб тақдирланди.

Ёшлик ва спорт байрами санъаткорларнинг концерти билан якунланди.

***

Наманган вилояти. Президентимиз ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган ва истеъдодли ёш спортчиларни кашф этиш, уларни катта спорт сари илҳомлантиришда муҳим аҳамият касб этаётган "Умид ниҳоллари" мусобақалари минглаб ёшларимиз учун ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтаб, уларнинг орзуларига қанот бағишламоқда ва юксак парвозлар сари руҳлантирмоқда. Уч босқичли мусобақаларда чиниққан ёшларимизнинг жаҳон ареналарида эришаётган улкан ғалабалари Ватанимиз довруғини тобора юксалтираётгани барчамизга чексиз фахр-ифтихор бағишлайди.

Ёшларнинг спорт соҳасида қўлга киритаётган муваффақиятларида болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар муҳим омил бўлмоқда. Наманган вилоятида барпо этилган 3 минг 379 замонавий спорт иншооти ёшлар ўртасида спортнинг жадал оммалашувига хизмат қилаётир. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилгандан буён вилоятда 147 замонавий спорт иншооти барпо этилди. Айни пайтда уларда 90 мингдан ортиқ ўғил-қиз жисмоний тарбия ва спортнинг турли йўналишлари бўйича мунтазам шуғулланмоқда.

Наманган шаҳрида жаҳон андозаларига мос барпо этилган "Баркамол авлод", "Паҳлавон", "Дўстлик", "Ёшлик" каби ўнлаб спорт мажмуаларида спортнинг кўплаб турлари бўйича халқаро мусобақалар ўтказилмоқда.

Яратилган бундай кенг имкониятлар самарасида 2014 йилда вилоят спортчилари мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги чемпионат ва турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 367 олтин, 354 кумуш, 512 бронза медалига сазовор бўлди.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг саралаш босқичларида 250 мингдан зиёд ўқувчи қатнашди. Ушбу ёшлик ва спорт байрамининг вилоят финал босқичида Наманган шаҳрининг ёш спортчилари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Янгиқўрғон тумани жамоасига насиб этган бўлса, учинчи ўринни Наманган тумани жамоаси қўлга киритди.

— 2014-2015 йилларда Малайзия, Таиланд, Қозоғистон давлатларида ўтказилган халқаро турнирларда иштирок этдим, — дейди Наманган шаҳридаги 23-Олимпия захиралари ихтисослашган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Сабина Валитова. — Ўша мусобақалардан жамоамизнинг совринли ўринларни эгаллаб қайтишида мактабимизда яратилган замонавий шароитлар ва мураббийларимизнинг кўрсатмалари муҳим рол ўйнади. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасида Наманган шаҳри жамоаси ғалабасига ҳисса қўшганимдан хурсандман, бу ўзимга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади.

— Фарзандларимиз камолоти йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган кенг имкониятларни кўриб, қалбинг қувонч ва ифтихорга тўлади, — дейди "Умид ниҳоллари" мусобақаси финал босқичи иштирокчиси Шукрулло Тошболтаевнинг отаси Дониёр Эсонов. — Бизнинг ўқувчилик йилларимизда мактабларда номи стадион, аслида ажриқзор, нотекис майдондан бўлак спорт "иншооти" бўлмаган. Қиш фаслида жисмоний тарбия дарслари фақат шашка ўйнаш билан ўтарди. Бугун мана, ёш авлод спортнинг қайси турига қизиқса, шуғулланиш учун кенг имкониятлар муҳайё. Ҳар бир туманда барпо этилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, замонавий спорт мажмуалари ўғил-қизларнинг соғлом ўсиши, орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Ёшлар, жумладан, ўғлим Шукрулло ҳаётида муҳим бурилишлар ясаётган бундай имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимиздан миннатдорман.

Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов Наманган шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди. "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида яхши натижаларга эришган спортчи ўғил-қизлар муносиб тақдирланди.

Ёшлик ва спорт мусобақаси байрамона безатилган "Баркамол авлод" спорт мажмуасида таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

***

Қашқадарё вилояти. Болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Қашқадарё вилоятида ҳам замон талабларига тўла жавоб берадиган кўплаб спорт иншоотлари, стадионлар, сув ҳавзалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда вилоятдаги 3 минг 910 спорт иншоотида ёшлар ўзлари қизиққан спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Энг муҳими, спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Айниқса, қишлоқларда спорт билан шуғулланиш учун яратилаётган шароитлар, қурилаётган спорт иншоотлари кўплаб иқтидорли спортчиларни кашф этиш имкониятини кенгайтирмоқда. 2014 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вилоятда 16 иншоот қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадлар учун 21,4 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бугунги кунда ушбу спорт иншоотларида 210 мингдан зиёд ёшлар спортнинг ўттиздан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

ЎзА суратлари

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг финал босқичи иштирокчилари Шукрулло Тошболтаевнинг отаси Дониёр Эсонов. — Бизнинг ўқувчилик йилларимизда мактабларда номи стадион, аслида ажриқзор, нотекис майдондан бўлак спорт "иншооти" бўлмаган. Қиш фаслида жисмоний тарбия дарслари фақат шашка ўйнаш билан ўтарди. Бугун мана, ёш авлод спортнинг қайси турига қизиқса, шуғулланиш учун кенг имкониятлар муҳайё. Ҳар бир туманда барпо этилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, замонавий спорт мажмуалари ўғил-қизларнинг соғлом ўсиши, орзу-интилишларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Ёшлар, жумладан, ўғлим Шукрулло ҳаётида муҳим бурилишлар ясаётган бундай имкониятларни яратиб бераётган Юртбошимиздан миннатдорман.

Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов Наманган шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди. "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида яхши натижаларга эришган спортчи ўғил-қизлар муносиб тақдирланди.

Ёшлик ва спорт мусобақаси байрамона безатилган "Баркамол авлод" спорт мажмуасида таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочиларнинг концерти билан якунланди.

***

Қашқадарё вилояти. Болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Қашқадарё вилоятида ҳам замон талабларига тўла жавоб берадиган кўплаб спорт иншоотлари, стадионлар, сув ҳавзалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда вилоятдаги 3 минг 910 спорт иншоотида ёшлар ўзлари қизиққан спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Энг муҳими, спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Айниқса, қишлоқларда спорт билан шуғулланиш учун яратилаётган шароитлар, қурилаётган спорт иншоотлари кўплаб иқтидорли спортчиларни кашф этиш имкониятини кенгайтирмоқда. 2014 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан вилоятда 16 иншоот қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадлар учун 21,4 миллиард сўм маблағ сарфланди. Бугунги кунда ушбу спорт иншоотларида 210 мингдан зиёд ёшлар спортнинг ўттиздан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақасининг финал босқичида Қарши шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Шаҳрисабз тумани жамоасига насиб этган бўлса, учинчи ўринни Ғузор тумани жамоаси қўлга киритди.

Вилоят ҳокими З.Рўзиев Қарши шаҳри жамоасига Президентимиз совғаси — "Дамас" автомашинасини топширди.

Мусобақа ғолиблари олтин медал, диплом ва совғалар билан тақдирланди.

Тадбир якунида таниқли санъат усталари ва эстрада хонандаларининг концерт дастури барчага хушнудлик бағишлади.

ЎзА

Реклама ва эълонлар

ВЕЛОСПОРТ

Ҳамюртимиз Дилмурод Сиддиқов Жанубий Кореяда ўтказилган "Тур де Корея" кўпкунлик велопойга ғолибига айланди.

ДИЛМУРОД — ОЛТИН МЕДАЛ СОҲИБИ

"Тур де Корея" мусобақасида 8 давлатдан келган 14 та жамоа ва унинг таркибида 94 нафар велопойгачи стартга чиқди. Мусобақа 5 та босқичда ташкил этилди.

Ўзбекистон велоспорт федерацияси матбуот хизматининг хабар беришича, турли босқичларда ёш ва истеъдодли велоспортчиларимиз Достон Оламов иккинчи, Андрей Измайлов учинчи натижани қайд этди.

Ўз мухбиримиз

ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан бирга **"Ўзбекистон маҳсулотлари рақобатбардошлигини ошириш ва жаҳон бозорларида мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган инновацион лойиҳалар кўрик-танлови"**ни эълон қилади.

Танлов маҳаллий ва иккиламчи хомашёларни қайта ишлаш ҳисобига янги турдаги экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, қуйидаги 5 та йўналишни ўз ичига қамраб олади:

1. "Озиқ-овқат саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа";
2. "Кимё саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа";
3. "Текстил саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа";
4. "Қурилиш материаллари саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа";
5. "Машинасозлик ва электротехника саноатида экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича инновацион лойиҳа".

Танловда қуйидагилар иштирок этиши мумкин:
- тадбиркорлар, фермерлар;
- илмий тадқиқот институти мутахассислари;
- олимлар;
- уюшган тадқиқотчилар жамоаси;
- олий ўқув юртлари ходимлари.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 3 та ўрин жорий қилинган бўлиб, ғолиблар махсус диплом ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан пул мукофотлари билан рағбатлантирилади.

Танловда иштирок этиш ва баҳолаш тартиби, мезонлар ҳамда тақдим этиладиган ҳужжатлар таркиби юзасидан танловни ўтказиш бўйича ишчи штаби ҳисобланган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасига қуйида келтирилган телефон рақамлари орқали мурожаат қилишингиз ёки www.nbu-export.uz сайти орқали маълумот олишингиз мумкин.

Ҳужжатлар 2015 йил 1 июн — 31 июл кунлари оралиғида ишчи штабга тақдим этилиши лозим (кечиктириб тақдим этилган лойиҳалар танловга қўйилмайди).

Тошкент шаҳри, F.Ғулом кўчаси,1-уй.
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси
Телефон: 0-371 244-66-35
Факс: 0-371 244-35-28
E-mail: info@nbu-export.uz
web-site: www.nbu-export.uz

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Ўзбекинвест» ЭИМСК Тошкент шаҳар филиалининг Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Авиасозлар-4 кўчаси, 68-уй манзилида сақланаётган 2005 йилда и.ч., д/р 01 776 ТАА, бошланғич нархи — 13 607 600 сўм бўлган «Нексия» русумли ва такроран «Toshkentpaxtasanoat» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 8-уй манзилида сақланаётган 2012 йилда и.ч., д/р 01 704 МСА, камайтирилган бошланғич баҳоси — 72 912 034,98 сўм бўлган Chevrolet Malibu автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 30 июн куни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, соат 11:00 да бўлиб ўтади. Автотранспорт ушбу савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00да 2015 йил давомида сотилгунча ўтказилади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий банк иш кунлари соат 9:00 дан 18:00гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказиладиган кундан бир расмий иш куни олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000604941652001, МФО 00425, СТИР: 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55. Гувоҳнома №005424.

Хизматлар лицензияланган.

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда "Ўзбекистон Почтаси" АЖ Навоий филиалининг 2015 йил 10 февралдаги 20280101/136-сонли буюртманомасига асосан Навоий шаҳар, Халқлар дўстлиги кўчаси 3-«а»уй манзилида сақланаётган 2001 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 814 FAA бўлган «ДАМАС» русумли автотранспорт такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 15 100 000 сўм.**

II. Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарори ҳамда Навоий давлат кончилик институтининг 2015 йил 26 мартдаги 1-04/286-сонли буюртманомасига асосан Навоий шаҳар Жнубий кўчаси 27-«а»уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

1. 2001 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 151 JAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 21 989 000 сўм.**
2. 2003 йилда и.ч. техник носоз, давлат рақами 85 778 AAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт. **Бошланғич баҳоси — 23 682 000 сўм.**

Савдо 2015 йил 17 июн куни соат 16:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 15 июн куни соат 18:00.

Автотранспорт воситалари 2015 йил 17 июн куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 8, 29 июл кунлари соат 16:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2015 йил 6, 27 июл кунлари соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолиби сотувчи билан аукцион ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида олди-сотди шартномасини тузиши лозим.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, АТ "Ипотека банк" Навоий филиали қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. 20208000704943164001, МФО 00205, СТИР: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Тел: 0 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1605.

Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov *(bosh muharrir o'rinbosari)*, Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

HUDUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Navoiy — (+998-94) 228-13-00
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Samarqand — (+998-93) 352-50-87
Sirdaryo — (+99890) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-95) 502-68-99
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti — **22:30**
Topshirildi — **23:40**
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma Г — 515.
19209 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi: 133